

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03.30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШНИЁЗОВА ДИЛФУЗА ПОЛВОНОВНА

**ИБН ДАВЛАТ АДАБИЙ МЕРОСИНИНГ МАТНИЙ ВА ҒОЯВИЙ-
БАДИИЙ ТАҲЛИЛИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Тошниёзова Дилфуза Полвоновна

Ибн Давлат адабий меросининг матний ва ғоявий-бадий таҳлили 3

Тошниёзова Дилфуза Полвоновна

Текстологический и идейно-художественный анализ литературного
наследия Ибн Давлата..... 21

Toshniyozova Dilfuza Polvonovna

Textual and ideological-artistic analysis of Ibn Davlat's literary heritage 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03.30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШНИЁЗОВА ДИЛФУЗА ПОЛВОНОВНА

**ИБН ДАВЛАТ АДАБИЙ МЕРОСИНИНГ МАТНИЙ ВА ҒОЯВИЙ-
БАДИИЙ ТАҲЛИЛИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2018.3.PhD/Fil 539 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муҳиддинов Муслиҳиддин Кутбиддинович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Юсупова Дилнавоз Раҳмоновна
филология фанлари доктори

Ғаффоров Нодир Насриевич
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 24 декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector) @samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (82-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2021 йил «13» декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил «13» декабрь даги №5 рақамли реестр баённомаси).



Ж.Ҳамроев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

Д.Б.Хурсанов
Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш илмий котиби, филол. ф.ф.д. (PhD)

Ш.А.Ҳасанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон адабиётшунослигида бадий тафаккур ва адабий тасаввур шаклланишининг муайян қонуниятларини таҳлил қилиш, ўз даврининг миллий, маданий, адабий, тарихий ва диний қадриятларини ўзида мужассам этган кўлэзма манбаларни излаб топиш, уларда баён этилган адабий, бадий, лирик ва тасаввуфий ғоя ва талқинларни аниқлаш, мумтоз адабиёт тараққиётининг асосий босқичларини мумтоз адабий жанрларнинг шаклланиши ва такомил билан боғлаб ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Шарқ адабиётида мумтоз бадий асарларнинг шаклий хусусиятлари, композицияси, мисра, банд, вазн, қофия, бадий тасвир воситалари билан боғлиқ шеърини унсурларни янгича адабий ёндашув ва тамойиллар асосида текшириш ҳамда бадий санъатларнинг ҳосил бўлиш йўллари ва мумтоз шеърини қўлланиш усулларини ўрганиш муҳим омиллардан ҳисобланади.

Дунё адабиётшунослигида алоҳида бадий қиймат ва эстетик аҳамиятга эга бўлган туркий мумтоз тафаккур дурдоналари саналмиш адабий ёдгорликларнинг, аксар ҳолларда, бир нусхадан иборат кўлэзма ҳолида мавжуд эканлиги назарда тутилса, бундай мумтоз назмий асарларни шарҳ ва изоҳлар билан нашрга тайёрлаш, чоп этиш ҳамда таҳлил этишга нисбатан эҳтиёжнинг ортганлиги адабиётшуносликда бу борадаги илмий тадқиқотлар кўламини янада ошириш зарурати мавжудлигини кўрсатади. Бугунги кунда адабий-тарихий асарларнинг бадий хусусиятларини ўрганиш, улар таркибида келган жанрларни поэтик таҳлил қилиш, шеърларининг мавзу ва ғоявий кўламини, жанрий табиати, поэтика, тил ва услуб масалаларини замонавий адабиётшуносликнинг янги илмий тамойиллари ва мезонлари асосида чуқур ўрганиш тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақилликнинг сўнгги йилларида халқимизнинг ижодкор фарзандлари асрлар давомида яратган адабий ёзма ёдгорликларни янгича ва холисона илмий ёндашувлар асосида ўрганишда катта муваффақиятларга эришилди. Шунга қарамай, маънавий меросимиз бўлмиш кўплаб кўлэзма битикларнинг илмий тавсифи, матн ва жанр хусусиятларининг таҳлили ҳамда бадий-ғоявий тадқиқини амалга ошириш эҳтиёжи мавжуд. “Жамиятда юз бераётган ҳар қандай ислоҳот, аввало, бадий адабиёт ва маданиятда ўз ифодасини топади, бинобарин, адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор”¹ ҳисобланади. Шу боис, ўзига хос анъанага эга бўлган Шарқ мумтоз адабиётининг дунё юзини кўрган нодир асарларини адабиётшунослик нуқтаи назаридан поэтик, илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш зарурати ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир / Халқ сўзи, 2017 йил, 4 август.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муайян шоир ижоди ёки давр шеърятининг хусусиятларини тадқиқ қилиш адабиётшуносликнинг муҳим масалаларидан ҳисобланади. Шарқ мумтоз адабиётининг илмий-адабий қийматга эга бўлган нодир манбалари, қўлёзма асарлари нусхалари матнларининг қиёсий таҳлили ва тадқиқига бағишланган муайян ишлар бажарилгани эътирофга лойиқ. XIX-XX асргача бўлган даврда Самарқанд минтақасида яшаб ижод этган шоирлар ҳаёти ва ижоди қатор олимларнинг, жумладан, В.Абдуллаев, Б.Валихўжаев, Р.Орзибеков, И.Салоҳиддинов, И.Сувонқулов, Ш.Сирожиддинов, Н.Сайдалиева, Б.Муҳиддинова, Г.Холиқуловлар² томонидан амалга оширилган махсус тадқиқотларда атрофлича ёритилган. Шунингдек, XX аср бошларида яшаб ўтган айрим шоирлар ижоди ҳам ўрганилган³. Бироқ адабиётшунослигимизда ҳанузгача

²Абдуллаев В., Валихўжаев Б. Мирий ва унинг замондошлари. – Тошкент: Фан, 1977; Орзибеков Р. Шавқий Каттақўргоний ва унинг адабий мероси: фил.фан.номз. дисс. – Самарқанд: 1963; Салоҳиддинов И. Ноқис Каттақўргоний ва унинг поэтик ижоди: фил. фан. номз. дисс. – Самарқанд: 1964; Сувонқулов И. Жиззах музофоти шоирлари (XIX асрнинг охири XX аср бошларида яшаган Аламқаш, Муаззам, Махмур Коризий ва бошқа шоирлар ижодиёти бўйича): фил.фан. номз. дисс. – Самарқанд: 1970; Сирожиддинов Ш. XIX аср Каттақўргон шоирлари ижодида Алишер Навоий анъаналари: фил.фан.номз. дисс. – Самарқанд: 1991; Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти: жамият ва бурч. 1-китоб. –Тошкент: Имом Бухорий жамғармаси, 2001. – Б. 80.; Зоҳидов Р. «Сабот ул-оғизин» асарининг манбалари, шарҳлари ва илмий–танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари: фил.фан.д-ри...дисс.– Т.: ТошДўТАУ, 2018; Сайдалиева Н. Муаззамхон шеърятда адабий анъаналар ва бадиий маҳорат: фил.фан.номз. дисс. – Самарқанд: 2002; Муҳиддинова Б.Сайидахмад Васлий Самарқандий мероси ва унинг адабий муҳитдаги ўрни: фил.фан.номз. дисс. – Самарқанд: 2009; Холиқулова Г. Мирийнинг «Рустам ва Сухроб»дostonи бадиияти. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2014.

³Сирожиддинов С. Абдулҳамид Мажидийнинг ҳаёти ва ижоди: фил. фан. номз. дисс. – Самарқанд: 1972.

Ибн Давлат (1860 – 1947) ижодий меросининг илмий таҳлили ва тадқиқи амалга оширилмаган. Ибн Давлатнинг таржимаи ҳоли, адабий мероси, ўз даври адабий ҳаётида тутган ўрни ҳақида ўзбек адабиётшунослигида махсус тадқиқотлар, хусусан, ўзбек адабиёти тарихига доир дарслик ва ўқув кўлланмаларда ҳам ҳеч қандай маълумот учрамайди. Ибн Давлат девони айнан мустақиллик йилларида, аниқроғи, 2006 йилда топилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Жалолиддин Юсуфий “Девон”нинг топилишига атоқли адабиётшунос олим Ғайбулла ас-Салом сабабчи бўлганини қайд этади⁴. Адабиётшунос Султонмурод Олим эса бизда ҳали шўро даври адабиёти тўлиқ ўрганилмагани, айнан XX асрнинг 30 – 40-йилларида ҳам ўзбек тилида тасаввуфий шеърят намуналари яратилгани яқин-яқинларгача илм-фанга маълум бўлмагани, шўро даври ўзбек ирфоний адабиёти хусусиятларини ўрганишда Ибн Давлат ижодини тадқиқ қилиш махсус бир монографик тадқиқотга мавзу бўла олишини ёзади⁵. Бу эса шоир ижодини кенг аспектда ўрганиш зарурати мавжудлигини кўрсатади. Адабиётшунос олима З.Хуррамованинг фикрича: “Бугунги кунда Самарқанд шаҳри ва атроф ҳудудларида яшаб, ижод этган, бироқ асарлари дафтарлар шаклида уларнинг авлодлари шахсий архивларида сақланиб келаётган кўплаб номларни аниқлаш имкони туғилди. Бу давр ижодкорлари асарлари мазмунига кўра адабий манбалар – девонлар, лирик шеърлар мажмуаси, мусаввадалар (Ибн Давлат, Ножий, Музний, Вадуд Маҳмуд, Муродий, Аҳлам, Жомеъ Ғарибий), тарихнависликка оид манбалар (Аҳлам. «Хидир элининг тарихи»), илмий манбалар (Вадуд Маҳмуд илмий тадқиқотлари) кўринишида мавжуд. Жанр турига кўра хат ва ёзишмалар, ҳужжатлар ва архив фондлари (Вадуд Маҳмуд, Жомеъ)га бўлинади”⁶.

Келтирилган адабий ва илмий манбалардан ташқари, ҳозирча бошқа бирор тадқиқотда Ибн Давлат шахсияти ва ижоди ҳақида маълумот учрамайди. Бинобарин, ҳозирга қадар шоир ижоди махсус ўрганилмаган, девони нусхалари матншунослик ва манбашунослик асносида алоҳида тадқиқ этилмаганлиги маълум бўлди. Мазкур тадқиқот Ибн Давлат адабий меросини ўрганиш ва ўзбек миллий адабиётдаги мақомини белгилашдан иборат бўлган илмий ва ҳаётий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда диссертация ҳолида шакллантирилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг SFil-01рақамли “Алишер Навоий ижоди ва адабий таъсир масалалари” (2016-2021 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

⁴Юсуфий Ж. Қалам бўлди манга ҳамдам. Соғлом авлод учун. 2009. №4. – Б.18-19.

⁵Қаранг: Олим С. Комиллик сулоласи – Нақшбандия, 2016 йил, № 1. – Б.15.

⁶Қаранг: XX Самарқанд адабий ҳаракатчилиги намоёндалари қўлёзма асарларининг матний тадқиқи (Вадуд Маҳмуд мисолида) Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси

Тадқиқотнинг мақсади XX асрда мумтоз адабий анъаналар таъсирида ижод қилган Ибн Давлат лирик меросининг ўзбек мумтоз адабиёти тараққиёти тарихида тутган ўрнини белгилаш орқали шоир девонининг матний ва ғоявий-бадий, поэтик хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек адабиётшунослигида ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот камлигини ҳисобга олиб, шоирнинг таржимаи ҳоли бўйича маълумотларни имкон қадар муфассал жамлаш ва тартибга солиш;

шоирнинг қўлёзма ва тошбосма ҳолида мавжуд бўлган асарларини излаб топиш, уларни изоҳлар ва шарҳлар билан таъминлаган ҳолда нашрга тайёрлаш ва илмий истеъмолга олиб кириш;

шоир адабий меросининг жанрий ва ғоявий-бадий хусусиятларини аниқлаш;

Ибн Давлат ижодининг асосий қирралари ҳамда фалсафий, диний-тасаввуфий қарашларидаги анъанавийлик ва ўзига хосликларни шоир асарларининг қиёсий-типологик таҳлили асосида очиб бериш;

шоир ижодий-поэтик маҳоратининг асосий қирралари ҳамда услубий-бадий хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида адабиётшунос олим Жалолиддин Юсуфий уй кутубхонасида мавжуд Ибн Давлат девони қўлёзма нусхаси танланган.

Тадқиқотнинг предметини XX асрда ижод қилган Ибн Давлат девони таркибига кирувчи турли жанрлардаги шеърлар, уларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари, анъана ва таждид (новаторлик) масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари.

Тадқиқотда илмий билишнинг автобиографик, қиёсий-тарихий, тавсифий, таққослаш, таҳлил ва тавсиф каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XIX аср охири XX аср бошида Каттакўрғон адабий муҳитида муҳим ўрин тутган Ибн Давлатнинг давр синовларига бардош берган сўфиёна ғоялар тарғиботчиси, диний-тасаввуфий йўналишда ижод қилган шоир эканлиги услуб поэтикаси тадқиқи асосида ёритиб берилган;

шоир девонининг тартиб берилиш хусусиятлари, таркиби, унинг матний ўзига хосликлари, девондаги лирик жанрлар, шеърларнинг матний-жанрий хусусиятлари ва таркибий тузилиши, девоннинг композицияси; образлар таснифи қиёсий-типологик контекстда асослаб берилган;

шоир девонининг қўлёзма нусхаси матншунослик мезонлари асосида текширилиб, Ибн Давлатнинг адабий-эстетик қарашлари китобхонларга насихат мазмунидаги асарлар тақдим этиш, одоб-ахлоқ ва диний қадриятларни бадий шаклда тарғиб этишдан иборат эканлиги исботланган;

ижодкор асарларида Шарқ мумтоз адабиётига хос мазмун ва шакл уйғунлиги, тематик ранг-баранглиги, адабий-эстетик қарашларининг мумтоз шеърят ривожига кўрсатган ижобий таъсири, шоир лирик меросида салафлар анъаналарининг поэтик тақомили, диний-ирфоний мотивлар,

мумтоз адабий жанр ва тимсолларнинг изчил давом эттирилганлиги илмий далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ибн Давлат ижодининг шаклланиш жараёнлари, ўрганилиш тарихи ва XX аср ўзбек адабиётида тутган ўрни бўйича маълумотлар аниқлаштирилган; Ибн Давлат лирикасининг ғоявий-бадий мундарижаси, тематик ранг-баранглиги, бадиият уйғунлиги, адабий-эстетик қарашларининг мумтоз шеърият ривожига кўрсатган ижобий таъсири, шоир лирик меросида салафлар анъаналарининг поэтик тақомили, жанр хусусиятлари, туркий аруз ва илми қофиядаги янгилашлар шеършунослик ва лингвопоэтик қонуниятлар асосида далилланган;

шоир девони манбалари илмий ўрганилиб, уларнинг матний-қиёсий тадқиқи натижасида муаллиф талқинига яқин бўлган матн яратилган;

шоир шеъриятининг ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарига бўлган муносабати кенг ёритилиб, салафлар ижодидан таъсирланиш қирралари очиқ берилган;

шоир девонидаги маънавий-маърифий ва ирфоний ғоянинг бадий қиммати, умумбашарий ғояларнинг тадқиқи жамиятда маънан етук шахсни камол топтиришда муҳим аҳамият касб этиши асосланган;

XIX-XX асрларда Каттакўрғон адабий муҳитининг ёрқин вакили ҳисобланган Ибн Давлат девонининг мавжуд қўлёзмаси матншунослик мезонлари асосида жорий алифбода нашрга тайёрланиб, чоп этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мавзу юзасидан чиқарилган хулосаларнинг илмий-таҳлилий ва қиёсий-типологик методлар билан асослангани, муаммонинг аниқ қўйилгани, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишнинг натижалари ва илмий хулосаларидан туркий халқлар, жумладан, ўзбек адабиёти тарихи йўналишида яратилажак илмий тадқиқотларни тақомиллаштириш, мавзуга доир диссертация ва монографиялар яратишда илмий-назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек адабиёти тарихи бўйича тадқиқотлар яратиш, олий таълимда ўқитиладиган «Ўзбек адабиёти тарихи», «Адабиёт назарияси» фанларига оид дарслик, электрон дарслик ва ўқув қўлланмаларини тузиш ва тақомиллаштиришда, луғатлар тузиш жараёнида ва ихтисослик фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ибн Давлат адабий меросининг ғоявий-бадий таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фольклор ва ёзма адабиётдаги ижодкорлар бадий маҳоратини белгилашда уларнинг лисоний салоҳияти параметрларини ҳисобга олиш, тил ифода-тасвир воситалари ҳамда адабий анъаналар орқали олинган тажриба ва

амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида 2017-2020 йилларда амалга оширилган ФА-Ф-1-005 рақамли «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ қилиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 24 июндаги 142/1-сон маълумотномаси). Натижада диссертацияда белгиланган вазибалар асосида шоирлар шеърлятидаги илмий-маърифий ғояларнинг ижтимоий-маданий аҳамиятини асослашга муҳим асос бўлиб хизмат қилган;

шоирнинг вазн, қофия ва радибаларни қўллашдаги поэтик маҳорати ва ўзига хос услуби, янгича қарашларини ёритиш ҳақидаги хулосаларини ўқув жараёнига татбиқ этишда, Ибн Давлат адабий-эстетик қарашлари, қорақалпоқ - ўзбек адабий алоқаларига тажриба ва амалий тавсиялардан ЎзРФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-ГОО2 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 11 октябрдаги 287/2-сон маълумотномаси). Натижада фольклор ва ёзма адабиётдаги ижодкорлар бадиий маҳоратини белгилашда уларнинг лисоний салоҳияти параметрларини ҳисобга олишга, бадиий-тасвир воситалари ҳамда адабий анъаналар орқали тажриба ва бадиий маҳоратни ошириш йўл-йўриқлари ҳақидаги назарий фикр ва амалий тавсиялар ҳамда Ибн Давлат адабий меросининг матний ва ғоявий-бадиий тадқиқ этиш билан боғлиқ хулоса ва умумлашмаларга муҳим асос бўлиб хизмат қилган;

Ибн Давлат ижодининг бадиий қиммати, маърифий аҳамияти, ижодидаги маърифий-ирфоний, бадиий-эстетик ғоялар талқинига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали “Адабий жараён”, “Таълим ва тараққиёт” эшиттиришларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканалининг 2021 йил 2 июндаги 04-25-885-сон маълумотномаси). Натижада Ибн Давлат девонида ўз ифодасини топган дидактик қарашлардан маънан етук авлодни тарбиялашда фойдаланишнинг илмий-педагогик мезонларини ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий-услубий иш, жумладан, 1 та хорижий журналда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини

чоп этиш бўйича тавсия қилинган илмий нашрларда 3 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган ва умумий ҳажми 143 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ибн Давлат ҳаёти ва ижодига доир манбалар, уларни ўрганишнинг адабий-эстетик тамойиллари”** деб номланган биринчи боби уч фаслдан таркиб топган. Бобнинг **“Адабий муҳит, жанрлар ва шоир ижодининг шаклланиши”** деб номланган биринчи фаслида XIX аср охири XX аср ўрталаридаги адабий жараён тамойиллари, ижодий анъаналар, Самарқанд ва Каттақўрғон адабий муҳити вакиллари ижодиёти, Ибн Давлатнинг бу давр ва умуман ўзбек адабиёти тараққиёти тарихида тутган ўрни, шоир ҳаёти ва адабий мероси ҳақидаги илмий кузатишлар баён қилинади. Бу даврда мумтоз анъаналарнинг изчил давом этирилганлиги, лирик ва эпик асарлар поэтикаси, адабий жанрлар тараққиёти, бадиий ижод услуби таҳлил этилади. XIX аср охири – XX аср ўрталаридаги Каттақўрғон адабий муҳити ва тарихий шароит; бу муҳитнинг ёрқин намояндаларидан бири бўлган Ибн Давлат ижодининг шаклланиши, шоир ҳаёти ва адабий мероси ҳақида келтирилган маълумотларни таҳлил этиш орқали XX аср ўзбек адабиётининг ўрганилмай келинган саҳифаларини ёритиш имконини бериши ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар баён этилган. Совет ҳукуматининг бир неча босқичли зўравон сиёсати натижасида яширинча ижод билан шуғулланишга мажбур бўлган шоирлардан бири ибн Давлат ижодини ўрганишга имконият туғилганлиги, XIX аср иккинчи ярмидан то XX аср ўрталарига қадар кечган ана шундай адабий муҳит Ибн Давлат сингари шоирлар етишиб чиқиши, шаклланиши учун пухта замин яратганлиги ўз ифодасини топган.

Шарқ шеърини даҳолари бўлмиш Навоий, Ҳувайдо, Ҳазиний, Машраб адабий анъаналарида таъби камолга етган Ибн Давлат мумтоз адабиётнинг турли жанрларида ижод қилиб, ўзидан бой мерос қолдирди. Унинг ижодиётида диний-ирфоний ғоялари билан бир қаторда маърифатпарварлик ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили сифатида тараннум этилди. Шу давр адабиётининг машҳур вакиллари ижодига ҳамоҳанг тарзда ривожланган,

сайқал топган бу ижодиёт маҳсуллари ўзига хос бадий жихатлари, маънавий-маърифий ва тарбиявий аҳамияти, халқчиллиги билан ҳам диққатга сазовор. Ибн Давлат ижоди ва адабий ғояларини атрофлича ўрганиш ўзбек адабиётшунослиги учун муҳим аҳамият касб этади, ўзбек адабиёти тарихининг янги қирраларини ёритишга имкон яратади. Бу давр адабий ҳаётини бир бутун ҳолда тасаввур қилиб, уни яхлит бир адабий муҳит сифатида тадқиқ ва талқин этиш, назаримизда, мақсадга мувофиқроқ. Шундагина Ибн Давлат каби сўфиёна маърифатпарвар шоирлар ижодининг халқчиллик жихати ва тарихий аҳамиятига тўғри баҳо бера олиш мумкин.

Бобнинг **“Шоир ҳаёти ва ижодини ўрганиш манбалари”** деб номланган иккинчи фаслида Ибн Давлат ҳаёти ва адабий мероси, ижодининг умумий хусусиятлари, мазмун-мундарижасига баҳо берилади. Шоир ҳақида нисбатан тўлиқ ва аниқ маълумот берувчи манба унинг девони бўлиб. “Девон”нинг(қўлёзма шаклида) топилишига адабиётшунос олим Ғайбулла ас-Салом сабабчи бўлганлиги, адабиётшунос Жалолоддин Юсуфий билан биргаликда шоирнинг китобларини топиб, нашрга тайёрлаб халққа тақдим этишни ният қилганлиги, аммо шоирнинг вафоти сабаб бу иш амалга оширилмасдан қолганлиги⁷ ҳақида баён қилинади. Шоирнинг “Девон”и, асосан, шарқона одоб-ахлоқ ва исломий қадриятлар бадий талқинидан иборат эканлиги мисоллар билан кўрсатиб берилади. “Девон”да шоирнинг насли-насаби, пирлари, фарзандлари ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Девондан жой олган ҳасби ҳол мазмунидаги ғазалда шоирнинг оилали эканлиги, у кишининг икки ўғли ва бир набираси бўлганлиги, катта ўғли – Ҳайдархон 1941 йили ҳибсга олинганлиги, бу ҳақда отаси **“Асир бўлди”** радибли 14 банддан иборат мухаммас ҳам битганлигини шоир ижодини ўрганиш орқали маълумотга эга бўламиз. Шоир ўғлининг касалланиб вафот этгани боис ўзини Юсуф (с.а) ҳажрида куйган Ёқуб(с.а) ҳолига тушганлигини баён этади. Девонда Ибн Давлат ҳаётида муҳим ўрин тутган, унинг ғоявий интилишлари, қизиқишларига раҳнамолик қилган пирлари Метаний эшон ва Ургутий эшонлар ҳақида ҳам анча-мунча маълумотлар мавжуд. Бу улуғ зотларни шоир ўзига пир, раҳнамо деб танлайди ва маънавий камолотда ўзини уларнинг ихтиёрига топширганлигини ғазалларида ифода этади. Девондаги маълумотлардан тўлиқ исми –Саййид Муҳаммад халифа Йўлдош бўлиб, Ибн Давлат таҳаллуси билан ижод қилган шоир (таҳаллусни унга мулла Ўташ қўйган) 1860йилда дунёга келганини, Каттакўрғон туманига қарашли Жизмонсойнинг Дараоғзи кишлоғида ҳаёт кечирганини ўзининг қайди орқали маълумот оламиз.

Бобнинг **“Адабий-эстетик қарашлар ва идеал масаласининг акс этиши”** деб аталган учинчи фаслида Ибн Давлатнинг адабий-эстетик қарашлари китобхонларга насихат мазмунидаги асарлар тақдим этиш ва унинг учун адабиёт биринчи галда одоб-ахлоқ ва диний қадриятларни бадий шаклда тарғиб этишдан иборат эканлиги таҳлил қилинган. Шоир адабий-эстетик қарашлари мумтоз адабиётимизнинг кўплаб улуғ ижодкорлари,

⁷Юсуфий Ж. Қалам бўлди манга ҳамдам. Соғлом авлод учун. 2009. №4. – Б.18-19.

айниқса, Навоий, Машраб, Ҳувайдо ва Ҳазинийларнинг адабий-эстетик қарашларидаги асосий тушунча ва тамойилларга таянилган ҳолда шаклланганлиги мисоллар асосида тадқиқ этилган. Шоир идеалидаги тимсол ва шахсиятлар сирасига эса, юқорида зикр этилган ижодкорлардан ташқари, яна кўплаб улуғ зотлар – пайғамбар(а.)лар, улуғ авлиёлар ва бевосита ўзининг пирлари бўлмиш Мейтаний эшон ва Ургутий эшон номларини кўшиш ўринли бўлади. Шоирнинг:

Бит насиҳатлик ғазаллар қоғаз узра, эй қалам,

Ҳам шарият, ҳам тариқат рамзини айла рақам. (Б. 149)

матлаъси билан бошланадиган ғазалида унинг адабий-эстетик қарашлари янада ёрқинроқ акс этган. Шоирнинг фикрига кўра, қоғозга ғазал битмоқдан мақсад насиҳат қилмоқ бўлиши керак, бу билан эса шарият ва тариқат рамзларини рақам қилиш амалга ошади. Ушбу ғазалда шоирнинг адабий-эстетик идеали, сўз санъати ва маҳорати аниқ акс этган. Шеърдаги асосий рамз – қалам. Шоирнинг эстетик идеали ҳам, асосан, шу тимсол орқали баён этилади. Бир ғазалида лирик қаҳрамон ўзига ўзи: “*Жаҳонда юрма танҳо, ўзунга бир пири раҳбар топ*” (Б.18), – дея даъват қилади. Тасаввуф таълимотига кўра, пирсиз кишининг раҳбари шайтондир. Бундай дейилишига сабаб шуки, сўфий ўзидаги анониятни, яъни “мен”ликни пир кўмагисиз асло енга олмайди. Шунга мувофиқ, *тасаввуфда пирсиз иш битмайди*, деган ақидага қатъий риоя этилади. Шунинг учун ҳам Ибн Давлат шеъриятидаги идеал шахслар ҳам – аввало, айнан унинг пирлари саналади. Маълум бўладики, Ибн Давлат, ўн етти ёшида “*Мейтаний эшон*” номли авлиёга мурид тушган. Сўнгра эса у “*Ургутий эшон*”, “*Пири Ургут*” номлари билан машҳур бўлган пири комил – Муҳиддинхон эшон Ургутийга байъат қилиб, нақшбандия тариқатида бардавом бўлганини ёзган. Бу эса қуйидаги мисраларда намоён бўлади. *Бандага қил пири Ургутдек азизни раҳнамо, Раббано, қил шайхи комил файзи лутфидин насиб* (Б.47). Ибн Давлатнинг Илоҳга ва унинг муҳаббатига муносабати айнан ўзи идеал даражада кўрган улуғ зотлар таълимоти билан ҳамоҳанг тарзда намоён бўлади. Навоийнинг “Муножот” асари асосий қисмидаги ҳар бир мурожаат “*Илоҳи*” (“*Илоҳо*”) сўзи билан бошланган. Ибн Давлат девонидаги тўрт ғазал ҳам айнан шу сўз билан бошланади. Аниқроғи, “*Эт*”, “*Қил*” радибли ва “*Илоҳо, осий банданг тавбасини айлагил мақбул...*” ғазалининг ҳар бир мисраси “*Илоҳо*” мурожаати билан бошланган бўлса, “*Илоҳо, бандайи мўъминни қилма мисли Барсисо*” дея бошланувчи ғазалнинг ҳар байти бошида “*Илоҳо*” сўзи қўлланган. Бу матний қиёслардан маълум бўладики, Навоий “Муножот”ининг бир неча ўринларидаги мазмун ва йўналиш Ибн Давлат девонидаги муножот шеърларда такрорланган. Ҳаттоки, бир хил сўзларнинг қўлланиши ва ўз ўрнига мазмуний жойлашуви нуқтаи назаридан ҳам Навоийнинг асари том маънода Ибн Давлат учун мактаб ва намуна вазифасини ўтаган. Ундаги ғоянинг бадиий ифодасида биров фарқ сезилади. Муножотлардаги мавзу, моҳият, ғоявий мотив ва услубда эса умумийлик ёхуд бир хиллик – кучли. Бу жиҳатлар, шубҳасиз, ҳазрат Навоий ижоди салаф сифатида Ибн Давлат адабий-эстетик қарашларига мувофиқ тушган,

улуғ мутафаккирнинг шахсияти эса халаф шоир учун идеал, яъни комиллик намунаси ҳисобланган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Ибн Давлат “Девон”и композицияси, ижодий ўзига хослик ва орифона ғоялар талқини”** деб номланган иккинчи боби ҳам уч фаслга бўлиб тадқиқ қилинади. Бунда, асосан, девон матни, шоир услуби ва ижодкорнинг замонга муносабати масалалари эътиборга олинади. Бобнинг **“Девоннинг матний таҳлили: таркибий тузилиши ва жанр хусусиятлари”** деб номли биринчи фаслида девоннинг мумтоз адабиётда шаклланган анъаналар замирида тартиб берилганлиги, унинг матний ўзига хосликлари, таркиби, девондаги лирик жанр хусусиятлари ҳақида атрофлича мулоҳазалар юритилади, ”Девон” нусхаси муаллиф томонида настаълиқда кўчирилган ягона нусхадир. Шу ягона қўлёзма таҳрири орқали девоннинг яратилиши, шеърлар жойлашиши, матний-жанрий хусусиятлари ва таркибий тузилиши, девоннинг композицияси; образлар таснифи қиёсий-типологик контекстда ўрганилган. Ибн Давлат “Девон”ининг қўлёзмаси ва унинг матни алоҳида таҳлил қилишни тақозо этади. Аввало, “Девон” муаллифнинг ўзи тарафидан кўчирилган. Манба ҳозирча ягона нусха бўлиб, унинг бошқа варианты бор-йўқлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. “Ибн Давлат” таҳаллуси билан ижод қилинган унинг девони ҳижрий 1363, милодий 1944 йили тартиб берилган. Шоир девонидан тўққиз жанрдаги –273 та ғазал, 7 мурабба, 30 мухаммас, 4 маснавий, 42 рубоий, 2 мусаллас, 1 мусаддас, 6 фард ва 1 қитғалар ўрин олган. Қўлёзманинг матний даражасидан Ибн Давлатнинг хаттий услуб ва китобат қилишдаги ёзув малакасига эга хаттот экани яққол сезилиб туради. Ўзбек мумтоз шеърляти тарихида учрайдиган девонларнинг аксарияти бир жилд сифатида китоб ҳолига келтирилган бўлади. Ибн Давлат “Девон”и эса бу жиҳатдан анъанавий девонларга ўхшамайди. Қўлёзма ўша давр, яъни ХХ асрнинг 30 – 40-йилларида мактабларда ўқувчиларга ёзув учун урф бўлган бир чизиқли дафтар варақларига битилган. Ибн Давлат “Девон”и қўлёзмасининг ўлчами – бир хил, яъни 21x16 сантиметр. Бироқ матн ўлчамлари бир хил эмас. Қўлёзмадаги варақларнинг сони 124 та бўлиб, бу 248 саҳифани ташкил этади. Қўлёзма анъанавий равишда **“Басмала”** (بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ) билан бошланган.

Муаллиф автографи орқали етиб келган бу қўлёзма девон орқали биз унинг яратилиш жараёни, шеърларнинг жойлашуви, матний хусусиятлари ва ўзига хос тартибий тузилиши тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўламиз.

Бобнинг **“Шарқ шеърляти анъаналарига содиқлик ва шоир услубининг ўзига хос жиҳатлари”** деб номланган иккинчи фаслида мумтоз адабиётда мавзу, мотив ва сюжетда анъанавийлик кучли бўлганлиги боис адабиётимизда бир-бирига ўхшаш ёки руҳан яқин асарлар кўп яратилганлиги, шоирнинг ана шу ижодий анъаналарга содиқлиги, услубининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Бу жиҳатлардан туркий тасаввуф адабиёти вакиллари ижоди, хусусан, Хожа Ахмад Яссавий, Хазиний, Машраб, Ҳувайдо анъаналари Ибн Давлат ижодида кузатилиши, улар орасидаги ҳамоҳанглик, муштараклик ва ўзига хосликлар мисоллар билан

далилланган. XX аср Самарқанд адабий ҳаракатчилиги намояндалари орасида ўзбек мумтоз адабиётидаги девон тартиб бериш, хаттотлик, диний-фалсафий мазмундаги асарлар ёзиш анъаналарини муносиб давом эттирган ижодкорлардан бири ижоди ҳанузгача номаълум бўлган Ибн Давлат эканлиги ёритилди. Маълумки, ўзбек мумтоз шеърлятида халаф (шогирд) ва салаф (устоз) муносабатлари анъана ва тажид (новаторлик) масаласини ўрганишнинг бош йўналишини ташкил этади. Ибн Давлат “Девон»и, мумтоз адабиёт анъанасига кўра, Аллоҳ таолога ҳамд билан бошланган ва ундан кейин ва ҳазрати пайғамбаримиз (с. а. в.)га наът бағишланган. Бу билан шоир ўз ижодида мусулмон Шарқи мумтоз адабиётидаги анъаналарга содиқ ҳолда иш кўрган. Бу эса ўзбек шеърлятида XX асрнинг ўрталарида ҳам мумтоз адабий анъаналар унутилмагани ва улар давом эттирилганидан дарак беради. Анъанавийлик асносида яна бир жиҳатни ҳам таъкидлаш лозимки, мумтоз шоирларнинг ижодида айна радиф ва қофияда кўплаб шеърлар яратилган, хатто, уларнинг кўпчилиги бир-бирига ўхшаш бўлиб ҳам қолган. Лекин, бу ўринда бир жиҳатга алоҳида эътибор бериш лозимки, ўхшашлик ичра ўзига хослик қоидасига мудом амал қилинган. Ибн Давлат даврнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-дидактик масалаларига жавоб излашда Навоий, Машраб, Ҳувайдо, Ҳазиний сингари салафлари ижодига мурожаат қилиб, уларнинг анъаналарини давом эттирди. Уларнинг ижодини теран ўрганиб, ўзлаштириб, меросига таянган ҳолда халқимиз руҳиятини табиат ва жамият билан узвий алоқадорликда бадиий талқин этди.

Тадқиқотнинг **“Шоир ижодида замонга муносабатнинг ўзига хослиги”** деб номланган фаслида ҳар қандай санъат намунаси, адабий асар давр маҳсули, ижодкор замон кишиси эканлиги, у тарихга мурожаат этадимиз, келажак ҳақида ёзадими, бундан қатъий назар матн бадиий руҳи замон ва заминдан нафас олиши, шунга кўра, Ибн Давлат лирикасидаги диний-ирфоний мавзулар талқини ҳам у ёки бу жиҳатлардан мавжуд ҳаёт билан боғланишда замон муаммоларига дуч келиши баён этилган. Бу жиҳатдан шоир шахсияти ва рубобий қаҳрамони давр мафкураси билан юзлашади. Чунки “Девон” шўро даврида тартиб берилган бўлса-да, шоир ижодида очикдан-очик бўлмаса-да, рамзий равишда даҳрийлик, динсизлик кайфиятига норозилик билдирилган, эркинлик ва озодликка даъват этилган. Буни девондаги 13,14,15,18,53,69,89,118,144-рақам билан келтирилган ғазалларда кўриш мумкин. Уларда шоир дину диёнат, миллий қадриятлар ҳимоячиси сифатида намоён бўлиб, шўро даврида фақат дингина ғариб бўлган эмас. Мустамлакачилик сиёсати халқни ҳуқуқсиз қилиб қўйганлиги, миллат камситилганлиги, ҳаром-ҳариш кўпайганлиги, порахўрлик авж олганлигини, жамият маънавияти жар ёқасига келиб қолганини очик танқид қилади.

Бу фаслдан чиқарилган хулоса эса ўзбек адабиётида классик анъаналар, диний-ирфоний мотивлар, мумтоз адабий жанр ва тимсоллар собиқ шўро даврида ҳам изчил давом эттирилганлиги масаласи ҳисобланади. Шарқ мумтоз адабиётидаги мазмун ва шакл уйғунлиги ҳар доим Ибн Давлат ижодининг асосий хусусиятларидан бири бўлган. Шу билан бирга, шоир муайян янгиликлар қилишга ҳам уринган. Бу, ўз навбатида, ҳар бир давр

адабиёти учун янги ғоялар ва янги қаҳрамонларни тухфа этишини, ҳар қандай жамият ва ҳар бир миллатнинг ўз ижтимоий-эстетик эҳтиёжи борлигини, бадиий адабиёт ана шу эҳтиёжларни қондирувчи асосий восита эканлигини кўрсатади. Ибн Давлат яшаган муҳит шўролар тузуми ҳукмрон мафкурасининг адабиёт, миллат, динга қарашлари шоирни эътиқодидан қайтара олмади, аксинча, у ўз эътиқодида собит турди ва мумтоз анъаналарни изчил давом эттирди. Ибн Давлат ижодида адабиёт ва тасаввуфнинг ўзаро уйғунлашиб кетганига гувоҳ бўламиз. Тўғри, шўро даврида, айниқса, Ибн Давлат яшаган йилларда ҳам арузий ўзбек шеъриятида мавжуд эди. Ҳабибий, Чархий, Чустий ва бошқа шоирлар Шарқ мумтоз адабиёти анъаналарини давом эттирди. Аммо улар шеъриятида маъно-мазмун бир қадар шўролашган, тасаввуфий ғоялар ё тарғиб этилмас, ё ўта яширин тарздагина ифодаланар эди. Бу даврда Ибн Давлатдан бошқа бирон-бир шоирнинг соф тасаввуфий шеърият яратганига гувоҳ бўлмаймиз.

Диссертациянинг **“Ибн Давлат шеъриятининг мавзуий, бадиий ва ғоявий жиҳатлари”** деб номланган учинчи бобнинг **“Ибн Давлат шеърларининг мавзуий ва ғоявий кўлами”** мавзусидаги биринчи фаслида Ибн Давлат шеърияти ғоявий жиҳатлардан ирфоний, маърифий ва таълимий эканлигига урғу берилади. Мумтоз адабий анъаналар асосида қалам тебратган ижодкор асарларида ифода этилган асосий ғоялар йўналишларини куйидагича тасниф қилиш мумкин:

